

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

Мингбулоқ қишлоқ хўжалик коллежи расмий веб сайтини

яратиш

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

Мадмусаев. А

612-10 гуруҳ талабаси

Фарғона – 2014 йил

Аннотация

Мазкур иш Мингбулоқ қишлоқ хужалик коллежи расмий веб сайтини яратишга бағишланади.

Ушбу малакавий иш замонавий компьютер ва Веб дастурлаш имкониятларидан кенг қўламда фойдаланган ҳолда PHP муҳитида яратилди. Битирув малакавий иши кириш қисми, аналитик қисм, лойиҳа қисми, тадбик қилиш қисми, меҳнат муҳофазаси қисми, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан ташкил топган.

Кириш қисмида ахборот технологиялари ва уларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилади.

Аналитик қисмда Интернет, PHP дастурлаш тили, уларнинг тарихи, Интернетда маълумотлар омборини яратишда қўлланиладиган MySQL маълумотлар омбори ва уларда маълумот алмашиш жараёнлари ҳақида сўз юритилади.

Битирув малакавий ишининг лойиҳа қисмида амалий масалалар кўриб ўтилган бўлиб, у 4 (тўрт) бўлимдан иборат. Ҳозирги кунда кўп функцияли профессионал сайтларни яратишда қўлланиётган PHP ва уларни бир-бирларидан фарқли томонлари қисмнинг биринчи бўлимида берилган. Иккинчи бўлимда PHP Веб дастурлаш соҳасида тутган ўрни, компоненталари ва имкониятлари ҳақида сўз юритилган.

Битирув малакавий ишининг амалиётга тадбиқи масалаларига 3 (учинчи) қисмда тўхталиб ўтилган.

MUNDARIJA:

I. Кириш	5
II. Аналитик қисм.....	10
2.1 Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.....	11
2.2 HTML ва CSS хақида маълумот.....	18
2.3 PHP дастурлаш тили ва уни бугунги кундаги тутган ўрни. Ўзгарувчилар, Операторлар.....	25
III. Лойиҳа қисми.....	35
3.1 Mysql ёрдамида маълумотлар базасини яратиш.....	36
3.2 Мингбулоқ қишлоқ хўжалик коллежи веб сайти учун техник топшириқ.....	43
3.3 Мингбулоқ қишлоқ хўжалик коллежи веб-сайтини яратиш	45
IV. Тадбиқ қилишни ташкил қилиш ва лойиҳа самадорлиги.....	57
4.1 Мингбулоқ қишлоқ хўжалик коллежи расмий веб-сайти имкониятлари.....	58
V. Меҳнат муҳофазаси.....	59
VI. Хулоса.....	75
VII. Фойдаланилган адабиётлар.....	76
VIII. Иловалар.....	77

I. КИРИШ.

КИРИШ

Инсоният ривожланишининг замонавий босқичи ахборотнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятининг беқиёс ўсиши билан тавсифланади.

Статистик маълумотларга кўра меҳнат ресурсларини моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидан ахборот соҳасига қайта тақсимланиш жараёни шунга олиб келдики, ҳозирдаёқ ривожланган мамлакатларнинг ахборот соҳасида иш билан банд аҳолининг 50 фоизи дан кўпроғи меҳнат қилмоқда.


Ахборотни қайта ишлаш тармоғи ҳозирда саноати ривожланган мамлакатлар учун индустрлаштириш босқичида оғир саноат қандай ролни ўйнаган бўлса, шундай ролни ўйнамоқда. Ахборот ресурслари ривожланган мамлакатларнинг асосий миллий бойлигига айланиб бормоқда, улардан фойдаланиш самарадорлиги эса кўпроқ даражада мамлакатнинг иқтисодий кудратини белгиламоқда. Бунда “ актив ” ахборот ресурслари, яъни бу ресурсларнинг автоматлаштирилган сақлаш, излаш, узатиш ва қайта ишлашга қулай бўлган қисми етакчи роль ўйнамоқда. Масалан, АҚШ да 70-йиллар ўрталарида хўжалик тармоқлари орасида учинчи ўринни эгаллаган компьютер информатика (фақат автомобиль саноати ва нефтни қайта ишлашдан кейин) ҳозир биринчи ўринга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарорида “Республика миллий ахборот-коммуникация тизимларини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастури” тасдиқланди. Ушбу комплекс дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикасида 2013-2020 йиллар мобайнида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва инфраструктурасини ривожлантириш дастури:

- «Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизими комплекслари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича тадбирлар ва лойиҳалар рўйхати (Расм 1.1).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил этилди.



1.1 расм. «Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизими комплекслари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича тадбирлар ва лойиҳалар рўйхати

«Электрон ҳукумат» тизими ахборот тизими комплекслари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича тадбирлар ва лойиҳалар рўйхатидан ҳам кўриниб турибдики, аҳоли ва тадбиркорларни барча ташкил этиладиган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари билан боғлаш ягона давлат интерактив хизматлари ва давлат органлари сайтлари орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари таълим ахборот тизими комплекслари яратилиш зарур. Бу тизимларни веб сайтларсиз тасаввур этиш қийин. Сабаби веб технология ёрдамида ишловчи тизимлар ўзининг тезкорлиги, аниқлиги, маълумотлар узатиш имкониятлар билан бошқа тизимлардан ажралиб турадию

Ахборот техникасига бирмунча торроқ доирадаги техник воситаларни, чунончи: “қоғозли” ва “электрон” ахборот билан, унинг ҳамма турлари ва кўринишларида ишлаш учун фойдаланиладиган воситаларни киритиш мумкин.

Ахборот техникаси илғор бошқариш тизимларининг моддий базасини ташкил этади.

Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида ҳар-хил тўсиқларга дуч келади ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги кашфиётлар вужудга келади. Лекин, ҳаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони ҳал қилиш жараёнида юзага келади.

Давр талабига кўра бугунги кунга келиб компьютер технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш, айниқса, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларни бошқариш тизимларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ва ахборотлар устида ишлашга тўғри келаяпти. Жамият тараққиётида юз бераётган жадал ўзгаришларнинг бир қисми бўлган информатика соҳасида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологияларида бўлаётган ўзгаришлар йиллар ичида эмас, балки ойлар ичида ўзгариб ва бойиб бормоқда.

Замонавий ахборот технологиялари ижтимоий ривожланиш-нинг саноат давридан жаҳон кўламидаги ахборот даврига ўтишнинг асосидир.

Ҳозирги пайтда янги ахборот технологияси соҳасида дастурлаш технологиясининг ускунавий воситаларини яратиш билан боғлиқ йўналиш тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бундай ускунавий дастурлар яратиш ва созлаш учун қувватли ва қулай воситаларни ташкил этади.

Ўзбекистон ахборот технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун талай интеллектуал имконият ва ахборот заҳираларига эга. Ахборот

технологияларининг турли воситаларига эҳтиёж мамлакатимизда кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интер-нет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замона-вийлаштириш республикамизда устувор ўринларга чиқмоқда.

I. АНАЛИТИК ҚИСМ

2.1. Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

«Таълим тўғрисида»ги қонун, ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини кенг миқёсда ислоҳ қилишнинг бошланиши бўлди. Таълим тизимини дунё стандартлари даражасига етказиш ушбу ислохотнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жаҳонда замонавий таълимнинг характерли томони шундаки таълимни ахборотлаштириш ва ахборий жамиятнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси таълимида ҳам рўй бермоқда, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати «ахборотресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган»¹. Ушбу ҳолатлар кадрларни тайёрлаш тизимида информатика фанининг алоҳида ўрни муқимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасида миллий кадрлар тайёрлаш тизимида информатика назарий ва амалий информатика соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлаш йўналиши ҳамда мутахассисларнинг умумтаълим даражасини шакллантиришнинг муҳим элементи сифатида қаралади. Биринчи йўналишнинг зарурияти информатикани бугунги кунда метафан сифатида, яъни унинг аҳамияти оламнинг замонавий манзарасини шакллантиришда, информатика тушунчаларининг фундаментал хусусияти ва методологиясининг умумийлигида аниқ намоён бўлмоқда. Иккинчи йўналиш доирасида информатика тайёрланаётган кадрларнинг ахборий маданиятини шакллантириш вазифасидан иборат бўлган умумтаълим фани сифатида намоён бўлади.

Информатиканинг асосий тушунчаларидан бири – бу ахборот-коммуникация технологияси дир.

Технология грек тилидан (techne) таржима қилганда санъат, маҳорат, билиш маъноларини англатади, булар эса ўз навбатида жараёнлардир.

¹ Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш ҳақида» Қонун // Халқ сўзи. 11.12 2003 й.

Жараёнлар - бу қўйилган мақсадга эришиш учун маълум ҳаракатлар мажмуасидир.

Ахборот технология-объект, жараён ёки ходиса (ахборот маҳсулот) ҳолати ҳақида янги сифатдаги маълумотларни олиш учун фойдаланадиган маълумотларни (бирламчи) йиғиш, ишлов бериш ва ўзатиш воситалари, ҳамда усуллари мажмуасидир.

Айни пайтда ахборот технология ҳақида фикр юритганда, купгина «янги», «коммуникацион» ёки «замонавий» сўзларини қўшиб ишлатилади.

Замонавий ахборот-коммуникация технология-бу замонавий компьютерлар ва телекоммуникацион воситаларидан фойдаланадиган, фойдаланувчи ишлаши учун «дустона» интерфейсга эга булган ахборот технология демакдир.

АКТ ривожланиш боскичларини қараб чиқамиз.

1. Масала тури ва маълумотларга ишлов бериш жараёни буйича:

1-нчи боскич (60-70 й) - оммавий фойдаланиш режими асосида ҳисоблаш марказларида маълумотга ишлов бериш.

2-нчи боскич (80 йиллардан бошлаб) - стратегик масалаларни ҳал этишга йуналтирилган инфорацион технологияларни яратиш.

2. Жамиятни ахборотлаштириш йулида турган муаммолар буйича:

1-нчи боскич (60 йилларнинг охири) аппарат воситалари имкониятларининг чекланганлиги шарти остида катта ҳажмдаги маълумотларга ишлов бериш муаммоси

2-нчи боскич (70 йилларининг охиригача) IBM 1360 русумли ЭҲМ - ларни кенг тарқалиши. Ушбу боскичнинг муаммоси-дастурий таъминотнинг аппарат воситалари ривожланиши даражасидан орқада қолиши.

3-нчи боскич (80 йилларнинг бошидан) - компьютер профессионал булмаган фойдаланувчининг кууролига айланади, инфорацион тизим эса, унинг қарорини қабул қилиш учун куллаб-қувватловчи восита булиб қолади.

4-нчи боскич (90 йилларнинг боши) - ташкилотлараро замонавий технологиялар ва инфор­мацион тизимларни яратиш. Ушбу боскичнинг муаммолари жуда хам куп. Улардан мухимлари:

компьютер алоқаси учун протоколлар

стратегик маълумотларга кириш имкониятларини ташкил қилиш

маълумот хафсизлиги ва химоясини ташкил қилиш

3. Компьютерий технология келтирадиган афзалликлар буйича:

1-нчи боскич (60-йилларнинг боши) - марказлашган оммавий фойдаланишга мулжалланган хисоблаш марказларида мураккаб хисоблашларни бошқаришда маълумотларни самарали ишлов бериш билан характерланади.

2-нчи боскич (70 - йилларнинг урталаридан бошлаб) персонал компьютерлар пайдо булиши.

3-нчи боскич (90 - йиллардан бошлаб) - биз­несда стратегик афзалликларни тахлил қилиш маълумотларни таксимланган ишлов бериш телекоммуникацион технологиясига асосланади.

4. Технология ускунавий мухитининг турлари буйича:

1-нчи боскич (хх асрнинг иккинчи ярмида) перо, рангдон, китобга асосланган «кулда» бажариладиган инфор­мацион технология

2-нчи боскич (хх асрнинг охирларидан бошлаб) - ёзув машинкаси, телефон, диктофон асосланган «механик»

3-нчи боскич (хх асрнинг 40-60 йиллари) - катта ЭхМ, элек­трик ёзув машинкалари, ксероксга асосланган «элек­трик» технология

4-нчи боскич (70 йилларнинг бошида) - катта ЭхМ ва улар асосида яратган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ) ва маълумот-изловчи тизимлари «электрон» технологиялари

5-нчи боскич (80 йилларнинг урталаридан бошлаб) - шахсий компьютерга асосланган компьютерий технология

Ҳозирги кунда ўқув жараёнида қўйидаги АКТ ишлатилади: электрон почта, аудипочта, электрон календарь, телеконференция, аудиоконференция, видеоконференция, чат ва бошқалар.

Ҳозирги кунда АКТлар таълим тизимида асосан тўрт йўналишда:

ўрганиш объекти сифатида;

ўқитишнинг техник воситалари сифатида;

таълимни бошқаришда;

илмий-педагогик изланишларда фойдаланилмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнида АКТлар асосан тўрт тартибда:

пассив қўллаш – компьютер оддий ҳисоблагич каби;

реактив мулоқат – компьютер имтиҳон олувчи сифатида;

фаол мулоқат – компьютер талабага йўл – йўриқ бериш ва имтиҳон олишда;

интерфаол мулоқат – компьютер сунъий интеллект сифатида, яъни талаба билан мулоқат қилишда фойдаланилади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, республикамиз Президенти И.А.Каримов бу масалада "... бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган Интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим"лигини таъкидлайди².

Бу каби вазифаларни бажариш кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга оширишнинг босқичларида белгилаб берилган бўлиб, унинг келажақдаги истиқболи Президентимиз томонидан илмий асослаб берилди.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.– Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

Моделни амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш“ зарурати эътироф этилди, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди”³.

Нима учун бугунги кунда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди? Биринчидан, ўқитувчини ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бўлса, иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, талабаларни касбий фаолиятга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши

³ Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш. Қурбонов, Р.Ахлидинов, Ҳ.Саидов.–Тошкент: Шарқ, 1999.–205 б.

техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- фан соҳаларини ахборотлаштиришни;
- ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни;
- интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш

механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

– масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;

- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;
- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

– Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

– талабага касбий билимларни эгаллашига;

– ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;

– ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;

– интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;

– сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;

- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;
- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

2.2 HTML ва CSS ҳақида маълумот.

Гиперматнлар тили (HTML) веб-браузерлар экранига маълумотларни стандарт кодлар орқали чоп этиш имкониятини беради. HTML дан фойдаланиб ўзида тахрирланган матн, тасвир, мултимедия элементларини акс эттирган веб-саҳифаларни яратиш мумкин.

HTML ни дастурлаш тилларидан фарқлаш лозим. HTML ни веб-браузерларга матн ёки тасвирларни қай ҳолатда чоп этиш кўрсатмалар тўплами дейиш ҳам мумкин. Масалан HTML хужжат ўзида қуйидаги матнни акс эттирган бўлсин:

`<h1> Менинг саҳифамга хуш келибсиз </h1>`

Бу матндаги `<h1>` ва `</h1>` теглари асосий матнни ўртага олиб турибди. Веб-браузер тушунадики, бу теглар ўртасидаги матн 1-даражали катталиқдаги сарлавҳа ҳолатида экранга чоп этилиш керак. `` ва `` теглари эса, улар ўртасидаги матн қалинлаштирилган ҳолда ёзилиши кераклигини билдиради.

Бутунжаҳон ўргимчак тўрининг асосий ва HTML нинг таркибий қисмини гиперматнлар ва гипермуружаатлар ташкил этади. Махсус командалар ёрдамида матннинг маълум қисми шундай ажратиладики, натижада ўша матн устига сичқон тугмаси босилса бошқа матн ёки саҳифа очилади. Бундан ташқари мултимедия воситаларининг ишлаб кетиши ёки бўлмаса, маълумотни дискда сақлаш таклифи ҳам берилиши мумкин.

Гиперматн ёки гипермуружаат бирор бир тасвирга ҳам қўйилиши мумкинки унинг устига босилганда ҳам юқорида айтилган ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Ҳар бир веб-саҳифа ўзида бир нечта гиперматн ёки гипермуружаатларни мужассам этиши мумкин.

Интернет хизматларининг кўпчилигига доступ (рухсат, йўл) адресация схемаси (URL) ёрдамида қизиктирилган ихтиёрий хужжатни топиш имкониятини беради. Ҳар бир тур бошқасидан фарқ қилувчи ўзининг формат адресига эга.

Масалан, менинг адресимга хат ёзиш учун фойдаланувчи ўзининг почтасининг жўнатиш адресига ёзиши керак бўлади. Бошқа томондан Интел компаниясининг веб-саҳифасини юклаш учун веб-браузернинг адреслар панелига ёзиши керак.

Windows мухитидаги матн муҳаррирлари: Notepad++, Textpad,. Кўрсатилган ҳамма матн муҳаррирлари ёрдамида HTML кодларни ёзишда қўллаш мумкин.

Кўпгина матн муҳаррирларида HTML кодларни ҳатто программалаштириш тилларида кодларни ёзиш жуда қулай. Баъзилари автоматик равишда операторлар, функцияларни таниш ва уларни хар-хил рангларда тасвирлаш имкониятига эга. Баъзи матн муҳаррирларида HTML ҳужжатни веб браузерда синаб кўриш тугмаси мавжуд.

Notepadни очамиз. HTML файлни яратишни бошлаймиз.

Сарлавха ёзиш учун:

```
<head>  
</head>
```

теглари ёзилади.

Браузер бу теглар ўртасидаги матнни сарлавха деб тушунади ва Браузернинг энг тепа қисмига шу матнни ёзади. Энди саҳифанинг танасини ҳосил қиламиз:

```
<body>  
</body>
```

Бу теглар ўртасига ҳамма матн ва тасвирларни жойлаштириш керак. HTML шаблон бўлиши учун HTML саҳифанинг сарлавха ва танасини ўз ичига олган куйидаги зарур теглар етишмаяпти:

```
<html>  
</html>
```

Демак HTML шаблон куйидаги кўринишга эга бўлди:

```
<html>  
<head>  
</head>
```

```
<body>
</body>
</html>
```

<head> ва </head> теглари ўртасига қуйидаги тегларни жойлаштириш мумкин:

<title>, </title> – хужжат номи. Масалан:

```
<title> Фаргонақувуртаъминот веб саҳифаси </title>
```

<meta /> – маълумотлар ҳақидаги маълумот. Яъни бу ерда асосий терминлар ёзилади. Қидирув системалари ишлаганда айнан шу терминлар бўйича қидириш ишини олиб боради, сайтларни топади. Масалан:

<body> ва </body> теглари ўртасига саҳифанинг танаси жойлаштирилади. Бу соҳада Браузер ойнасида фойдаланувчи кўриши керак бўлган матн, гипермуружаат, тасвирлар, жадваллар, ... ни жойлаштириштирилади.

<p>, </p> теглари улар орасидаги матнни алоҳида абзатс кўринишида ёзилишини таъминлайди. Масалан:

```
<p> Бу янги маълумот </p>
```

<p></p> – бўш абзац жойини ташлайди.

Матн муҳаррирлари ёрдамида HTML кодни ёзганда бўш жой ва абзатсларни аҳамиятга эга эмас. Яъни

```
<p> Бу янги абзац </p>
```

билан

```
<p> Бу
янги
абзац </p>
```

ёзувлари браузер ойнасида бир хил кўринишга эга бўлади.

Агар ёзувни янги абзатсдан эмас, янги қатордан бошлаш керак бўлса,
 тегидан фойдаланиш мумкин. Масалан

Веб саҳифани яратишда ҳамма файлларни тўғри сақлаш керак. Кейин сайт яратувчиси ўзи ҳоҳлаган натижага эришганлигини текшириб кўриши керак.

CSS ҳақида маълумот:

HTML тилидек стиллар жадвали ҳам бир нечта спецификатсияларга эга. Биз CSS (Cascading Style Sheets) стандартдан фойдаланамиз. У жуда кўплаб веб-публикатсияларда қўлланилиб, ҳозирги кунда ҳамма замонавий график браузерлар у билан ишлай оладилар.

`` элементи **face**, **size**, **color** каби атрибутларга эга. У атрибутлар ўз ичига олган матнга тегишли булади.

`Хушкелибсиз ...`

face атрибутида шрифтларнинг хатикелтирилади.

Агар фойдаланувчи дабиринчи шрифт бўлмаса, иккинчисидан бўлмаса, учинчисидан фойдаланилади.

size атрибути 1 дан 7 гача қиймат қабул қилади. Бундан ташқари, охирига ўлчамдан катта ёки кичик ўлчамда фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун `size="-2"` каби ёзилиб, унинг натижаси энг охириги ўлчамдан кичик ўлчамда ёзилади.

color атрибути шрифт рангини билдиради. У ранг номи (ред, грин, еллоу, блуе, ...) ёки 16 лик ўлчамда ҳам фойдаланиши мумкин.

`<center>` контейнеридан фойдаланиб саҳифанинг ўртасига матн, тасвир, гипермуружаат, ... лар каби ихтиёрий элементни жойлаштириш мумкин, ҳатто мултимедияларни ҳам.

Фойдаланувчи стиллар жадвалини қуйидаги турларини яратиши мумкин:

– Стиллар атрибути. Стиллар HTML элементлар ва контейнерларнинг ҳар бирига қўлланилади.

– Элемент стилини аниқлаш. Стиллар жадвали орқали бирор бир элемент (`<p>`, `<h1>`, ...) ни стилини аниқлаш мумкин.

Стилларни икки усулда яратиш мумкин.

1. Стиллар ҳақидаги маълумотларни `<head>`, ... `</head>` секцияси ичига жойлаштириш мумкин.

2. Саҳифани алоҳида стиллар аниқланадиган файл билан боғлаб қўйиш мумкин.

Style атрибути.

```
<a href= "index.html" style=text-decoration: none">Бошсаҳифа</a>
```

ёки

```
<table>
```

```
<tr><td style= "width:200">100</td>
```

```
<td style= "width:300">100</td>
```

```
</tr>
```

```
</table>
```

каби ишлатиш мумкин.

Style элементи.

Агар яратилаётган веб-саҳифа 2-3 саҳифадани борат бўлса, style атрибути қўллаб қўлланилишига тўғри келади.

Бутун саҳифага бир хил стил қўлламоқчи бўлсак,

style элементини қўллаш кулайроқдир:

```
<head>
```

```
<style type= "text/css">
```

```
p {font-style: italic}
```

```
</style>
```

```
</head>
```

style элементини қўллаш умумий ҳолда қуйидагичадир:

```
<head>
```

```
<style type="text/css">
```

```
Элемент номи {хусусияти: қиймати}
```

```
</style>
```

```
</head>
```

Натижада ҳамма элементлар веб-саҳифада бир хил стилга эга бўлади ва бир хили фодоланади.

Бундан ташқари бир нечта элемент хоссаларини ҳам бирданига бериш мумкин:

```
<head>
<style type="text/css">
p {font-style: italic}
h1 {color: blue}
ul {list-type: disc}
</style>
</head>
```

Бир элементнинг бир неча хоссаларини ҳам бирданига бериш мумкин:

```
<head>
<style type="text/css">
p {font-style: italic;
background: yellow;
padding-left: 12 px;
}
</style>
</head>
```

тушунишосонроқ бўлиши учун ҳамма хусусиятларни алоҳида қаторларга ёзиш таътилади.

Агар бир неча элементга бир хил стил бериш керак бўлса қуйидагича ёзиш мумкин:

```
<head>
<style type="text/css">
p, h1, h2, ul, ol {font-family: Times New Roman}
</style>
</head>
```

Бундан ташқари бутун саҳифада ҳам хил стиллардан фойдаланиш мумкин:

```
<head>
```

```
<style type="text/css">
body { font-family: Times New Roman; font-size: 12 pt}
ul { font-size: 10 pt}
</style>
</head>
```

Махсус синфларни яратиш.

Стиллар жадвали ёрдамида алоҳида элементларнинг хусусиятларини эмас, балки, махсус синфларни яратиш ҳам мумкин. Қуйидагимисол билан танишинг:

```
<head>
<style>
H1.qizil {color: red}
</style>
</head>
<body>
<h1>Оддий сарлавҳа</h1>
<h1 class="qizil">Оддий бўлмаган, қизил сарлавҳа</h1>
</body>
```

Бумисолда **h1.qizil** селектори одатий **h1** элементи ўрнига ишлатилди. Буерда кўрсатилган стиллар фақатгина **class** атрибути қўлланилган жойда ишлайди. Бунинга фазл лигишундаки, бир элементнинг ўзини бир неча хил стилларда ифодалашимконияти пайдо бўлади.

Бундан ташқари биз универсал синфларни ҳам яратишимиз мумкин. Веб-саҳифанинг танасида ихтиёрий элементни унга улаб ўша стилда ифодалашимиз мумкин бўлади.

2.3 PHP дастурлаш тили ва уни бугунги кундаги тутган ўрни.

PHP ҳақида тушунча

PHP

PHP 1995 йилда Расмус Лердорф томонидан ўзининг онлайн-резюмесига мурожаатни кузатиш учун Перл-скриптлар содда тўплами сифатида яратилди.

У бу скриптлар тўпламини Personal Contents Page Tools деб атади. Катта функционаллик талаб қилингани учун, Расмус маълумотлар базаси билан ишлаш имконига эга бўлган C кенгайтирилган реализациясини яратди ва фойдаланувчиларга содда динамик Веб-иловалар яратиш имконини берди. Расмус ҳар бир фойдаланувчи кенгайтириш ва ўзгартириш имкониятига эга бўлиши учун PHP кодини кенг оммага эълон қилди.

1997 йилда PHP 2.0, C-реализация иккинчи версияси, бутун дунё бўйича бир неча минг мухлисларга эга бўлиб, тахминан 50,000 доменларга ўрнатилган эди. Бу ҳамма Интернет доменларнинг 1% ташкил қилар эди. Кўп одамлар ўзларининг код блокларини бу лойиҳа учун таклиф қилганлари учун, у бир кишининг лойиҳаси бўлмай қолди.

PHP 2.0 расмий равишда фақат 1997 йил ноябрида чиқарилди. Унгача у асосан бета-релизлар шаклида мавжуд эди. Шундан сўнг кўп ўтмасдан биринчи PHP 3.0 пайдо бўлди.

PHP 3

PHP 3.0 бугунги PHPга ўхшаган биринчи версия эди. Уни Анди Гутманс ва Зеев Сураски 1997 йилда тўла қайтадан ёзилган тил сифатида яратдилар, чунки улар PHP2.0 тилини ўзларининг э-коммерс-иловаларини яратиш учун етарли имкониятга эга эмас деб топдилар. Тилга PHP: HypertextPreprocessor деб ном берилди.

PHP 4

1998 йил кишида PHP 3.0 расмий эълон қилингандан сўнг, Анди Гутманс ва Зеев Сураски катта амалий дастурлар билан ишлашда

унумдорлигини ошириш ва PHP кодли базаси модуллигини ошириш мақсадида PHP ядросини қайта ишлашга киришдилар.

Янги машина, Zend Engine (яратувчилар номлари асосида - Зеев ва Анди), бу масалаларни муваффақиятли ҳал қилди ва 1999 ўртасида пайдо бўлди. Бу машинага асосланган ва кўпчилик янги имкониятларга эга бўлган PHP 4.0, расмий равишда 2000 йил майида, PHP 3.0 дан икки йил кейин чиқарилди.

Анча ошган унумдорликдан ташқари бу версияда PHP 4.0 қуйидаги имкониятларни киритди: катта сондаги Веб-серверлар, HTTP-сессияларни қўллаш, чиқаришни буферлаш, фойдаланувчи киритиши билан хавфсиз ишлаш усуллари ва тилнинг турли янги конструкциялари.

PHP тили асослари

PHP дастурлари

PHP дастурлари икки усулда бажарилиши мумкин: Веб-сервер томонидан сценарий иловаси ва консол дастури сифатида.

Бизнинг мақсадимиз веб иловаларни дастурлаш бўлгани учун асосан биринчи усулни кўрамиз.

PHP одатда Интернет билан боғлиқ дастурлар яратиш учун ишлатилади. Лекин PHP дан команда сатрлар интерпретатори, асосан *nix тизимларда фойдаланиш мумкин. Охиргиси cgi ва com интерфейслар ҳамда PHP-gtk кенгайтмаси ёрдамида мумкин. Бу ҳолда қуйидаги масалаларни эчиш мумкин:

- Интерактив команда қаторлари ёрдамида иловалар яратиш;
- Кросс-платформали GUI иловаларни PHP-GTK библиотекаси

ёрдамида яратиш;

- Windows ва Linux учун баъзи масалаларни автоматизация қилиш

Серверга браузернинг мурожат қилишида ёрдамида PHP-сценарийлари бажарилишини кўриб чиқамиз. Аввал браузер PHP

кенгайтмали саҳифани сўрайди, сўнгра веб-сервер дастурни PHP машинадан ўтказди ва натижани html-код шаклида қайтаради. Агар стандарт HTML саҳифани олиб, кенгайтмасини .PHP га ўзгартирилса ва PHP машинадан ўтказилса, фойдаланувчига ўзгартирмасдан қайтаради. Буф файлга PHP командани қўшиш учун, PHP командалани махсус теглар ичига олиш керак. Бу тегларнинг 4 хил шакли мавжуд бўлиб, ихтиёрийсидан фойдаланиш мумкин:

XML қайта ишлаш инструксияси:

<?PHP

...

?>

SGML қайта ишлаш инструксияси:

<?

...

?>

HTMLсценарийлари қайта ишлаш инструкцияси:

<scriptlanguage = "PHP">

...

</script>

ASP услубидаги инструкция:

<%

...

%>

Хусусан бирор блок ичида PHPдан чиқиш мумкин, фақат кейинчалик яна унинг ичига кириб кодни тугатиш шарти билан, қуйидаги конструкция мумкин:

<?

if(\$a<3){

echo("<p>Hello, world!<p>");

?>

```

<p>Hello!</p>
// bu qator PHP kodi sifatida qaralmaydi
// va kod bloki bajarilayotgan bo'lsachiqariladi
<?
echo("<p>Hello, world!<p>");
}
?>

```

PHPда echo командаси веб–саҳифаларда учрайдиган ҳар қандай маълумотни (матн, HTML ажратувчи символи, сон) чиқариш учун қўлланади. Унинг маъноси мисолда кўрсатилган.

Изохлар

PHP тилида изохларни жойлаш учун бир неча усуллар мавжуд. Энг соддаси иккилик слеш (//) дан фойдаланиш, шундан сўнг PHP сатрлар охиригача ёзилганни ўтказиб юборади. Бундан ташқари C (/*...*/) услубидаги кўп қаторли изохлардан фойдаланиш мумкин. Бир қаторли изохлар учун (#) символдан фойдаланиш қулай. (UNIX скрипт тилларидаги изох).

<PHP

```

echo("<p>salom</p>"); // изох
echo("<p>salom</p>"); # изох
/*
бу ҳам изох
*/
?>

```

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки PHP услуби изохлари фақат PHP чегаранишлари орасида таъсир қилади. Агар PHP бу изохлар символларини чегаранишлари ташқарисида учратса, уларни бошқа матнга ўхшаб, html-саҳифага жойлаштиради.

Ўзгарувчилар ва константалар

PHP да ўзгарувчилар доллар (\$) белгисидан бошланади. Бу символдан ихтиёрий сондаги ҳарф, рақам ва остига чизиў символлари келиши мумкин, лекин биринчи символ албатта ҳарф бўлиши керак. Шунини эсда тутиш керакки, PHPда ўзгарувчиларнинг номлари калит сўзлардан фарқли регистрга боғлиқдир.

PHP да ўзгарувчиларни таърифлаганда ошкора типини кўрсатиш шарт эмас ва дастур давомида битта ўзгарувчи ҳар хил типларга эга бўлиши мумкин.

Ўзгарувчи унга қиймат берилганда инициализация қилинади ва дастур бажарилгунча мавжуд бўлади. Яъни веб-саҳифа ҳолида то сўров тугамагунча.

PHP да маълумотлар типлари. Типларни ўзгартириш

Юқорида айтилганидек PHP тилида битта ўзгарувчини дастур бажарилиш давомида сатр ёки сон сифатида ишлатиш мумкин. Шу билан бирга PHP тилида ўзгарувчилар билан ишланганда ошкор кўрсатилиши мумкин бўлган асосий маълумотлар типлари тўплами мавжуд:

integer; string; boolean; double; array; object;

Арифметик операторлар

+	Қўшиш
-	Айириш
*	Кўпайтириш
/	Бўлиш
%	Модул бўйича қолдиқни ҳисоблаш (масалан: 5 % 2=1)

Разрядли операторлар

Бу операторлар гурухи бутун қийматли операторларнинг битли тасвирлари билан ишлайди. Асосан бу операторлар мантиқий байроқлар тўпламини яратиш учун ишлатилади. Бизнинг мисолларимизда бу операторларни кам ишлатамиз, лекин қуйида шу операторлардан фойдаланишга мисол келтирамиз.

&	Разрядли конъюнксия (АНД)
	Разрядли дизъюнксия (ОР)
^	Разрядли ажратувчи ЙОКИ (ХОР)
~	Разрядли инкор (НОТ)
<<	Чап бутун қийматли операнд битли тасвирини ўнг бутун қийматли операнд қийматига тенг разрядлар сонига чапга силжитиш
>>	Чап бутун қийматли операнд битли тасвирини ўнг бутун қийматли операнд қийматига тенг разрядлар сонига ўнгга силжитиш

PHP тилининг операторлари

Танлаш операторлари / if...else

Танлаш операторларига: шартли оператор (*if...else*) вавариантли танлаш оператори (*switch*)киради. Шартлиоператорсинтаксиси:

if(шарт)амал 1 else амал 2

Шартшартихтиёрийифодабўлишимумкин. Агару рост бўлса **амал 1**оператор бажарилади. Акс холда амал **2**оператори бажарилади.


Цикл операторлари / While

Оператор `while` олдинги шартли цикл оператори дейилади, циклга киришда олдин шартли ифода ҳисобланади, агар унинг қиймати нолдан фарқли бўлса цикл танаси бажарилади. Шундан сўнг шартли ифодани ҳисоблаш ва цикл танаси операторларини бажариш, шартли ифода қиймати нолга тенг бўлгунча давом этади. *While операторидан ҳар хил кетма кетликларни кўриш қулай, агар уларда олдиндан маълум сўнги символ мавжуд бўлса.* (Бу айниқса C++ тилида қулай, чунки C++ тилида `catr` бу чар типдаги нолинчи символ билан туговчи символлар кетма кетлигидир).

Содда **while** циклига мисол:

```
<?
$var = 5;
$i = 0;
while(++$i <= $var)
{
echo($i); echo('<br>');
}
?>
```

Бу код браузер ойнасида бирдан бешгача рақамларни акс эттиради:



Циклдан чиқиш учун **break** оператор қўлланади. Бу оператор учраганда цикл итератсиясигитўхтатилади. Қуйидаги мисол бажарилганда, ўзгарувчи `$var = 7` бўлишига қарамасдан, браузер ойнасида 1 дан 5 гача рақамлар пайдо бўлади.

```
<? $var = 7;
```

```

$i = 0;
while(++$i <= $var)
{
echo($i);
echo('<br>');
if($i==3)break;
}
?>

```

Баъзида жорий итератсияни тўхтатиб,
дархолкей ингисига ўтиш керак бўлади.

Бунинг учун **continue** оператори қўлланади:

```

<?
$var = 7;
$i = 0;
while(++$i <= $var)
{
if($i==5)
{
continue;
}
echo($i);
echo('<br>');
}
?>

```

Агар сиз шартли операторни **echo** операторидан кейин қўйсангиз,
код хатоб бўлади ва 1 дан 20 гача рақамлар чиқарилади,
чунки маълум итератсияда циклдан чиқиш шарти,
шу итератсия бажарилгандан сўнг текширилади.

Цикл операторлари / do...while

Бу оператор кейинги шартли цикл оператори дейилади. Ихтиёрий холда циклга кирилганда цикл танаси бажарилади(Яъни цикл жуда бўлмаса бир марта бажарилади) сўнгра шарт ҳисобланади ва агар у 0 бўлса яна цикл танаси бажарилади. Қуйидаги мисолда нол рўйхатга (**++\$i <= \$var**) шартга боғланмаган холда қўшилади:

```
<?
$var = 5;
$i = 0;
do
{
echo($i); echo('<br>');
}
while(++$i <= $var)
?>
```

Шартикейинкелганциклагарқайтаишлашнитугатишбелгисикелганданкей инкелгандатўхтатишзарурбўлсаишлатилади.

Цикл операторлари/ for

Таъкидланганидек итератсион цикл қуйидаги форматга эга:

```
for(expression1;expression2;expression3)
{
statements;
}
```

Буэрда**expression1** (циклинитсиализатсияси) —

вергулбиланажратилгантаърифларваифодаларкетмакетлигидир.

Инитсиализатсиягакирганҳаммаифодалар циклга киришда бир марта ҳисобланади. Одатда шу эрда сановчилар бошланғич қийматлари ва цикл параметрлари ҳисобланади. Ифода -шарт (**expression2**) маъноси олдинги ёки охирги шартли цикллардаги каби. Агар ифода –шарт бўлмаса унинг қиймати

ҳар доим рост ҳисобланади. Ифода **expression3** ҳар бир итератсия охирида цикл танаси бажарилгандан сўнг ҳисобланади.

Ш.ЛОЙИҲА ҚИСМИ.

3.1 Маълумотлар базасини яратиш.

MySQL хақида тушунча

Маълумотлар Базаси ва WWW

Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ошган сари маълумотлар базасига эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Сервер маълумотлар базаси Интернетда кўп функцияларни қўллаши мумкин. Ҳар қандай веб-саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин.

Бундан ташқари Интернет каталогни мавжуд буюртмаларни қайта ишлаш электрон тизимлари билан интегратсия қилиш имконияти туғилади. Шундай қилиб бундай веб-сайтни бошқариш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш сотувчига ҳам олувчига ҳам қулайликлар туғдиради.

MySQL тарихи

Унинг ихтирочиси Майкл Видениус (яна Монти сифатида маълум) швед компанияси TsX ходими маълумотлар базаси билан 1979 йилдан бери ишлайди. Яқин пайтгача Видениус TsX да фақат дастурчи эди.

1994 йилда TsX WWW учун Амалий дастурлар ярата бошлади ва бу лойиҳани қўллашда UNIREG дан фойдаланди. Бахтга қарши, UNIREG катта ҳаражатлар талаб қилгани учун, ундан веб-саҳифаларни динамик генерация қилиш учун муваффақиятли фойдаланиб бўлмади.

1995 йил май ойига келиб TsX компания ички талабларини қаноатлантирувчи маълумотлар базаси - MySQL 1.0 га эга эди. Фирма бизнес-партнери Детрон ҲБ дан Давид Аксмарк (David Axmark) TsX га ўз серверини Интернетда кўрсатишни таклиф қилди. Серверни Интернетда кўрсатишдан мақсад - биринчи бўлиб Аладдин Петер Дейч (Aladdin Peter Deutsch) қўллаган бизнес моделдан фойдаланишдир. Натижада MySQLни SQL га нисбатан «текинроқ» қилувчи ўта мослашувчан авторлик ҳуқуқлари олинди.

МББТ MySQL да SQLтилининг реализацияси ва PHP

бошқарилувчи сўров

MySQL маълумотлар базасида ишлатиладиган маълумотлар типлари

Бутун сонлар

Маълумотлартипини кўрсатиш умумий формаси:

*префикс*int[unsigned]

TINYINT Диапазони -128 дан 127 гача сонларни сақлаши мумкин

SMALLINT Диапазони -32 768 дан 32 767 гача сонларни сақлаши мумкин

MEDIUMINT Диапазони -8 388 608 дан 8 388 607 гача сонларни сақлаши мумкин

INT Диапазони -2 147 483 648 дан 2 147 483 647 гача сонларни сақлаши мумкин

BIGINT Диапазони -9 223 372 036 854 775 808 дан 9 223 372 036 854 775 807 гача сонларни сақлаши мумкин

Каср сонлар

MySQL да бутун сонлар бир неча турга ажратилганидек, каср сонлар ҳам бир неча турга ажратилади.

Умумий холда улар қуйидагича ёзилади:

TipNomi[(length, decimals)] [UNSIGNED]

Бу ерда – каср узатилишда жойлашадиган белги жойлари сони (майдон кенглиги).

decimals – ўнли нуктадан сўнг ҳисобга олинувчи рақамлар сони.

UNSIGNED – ишорасиз сонларни беради.

FLOAT	Аниқлиги унча катта бўлмаган сузувчи нуқтали сон.
DOUBLE	Иккилик аниқликка эга бўлган сузувчи нуқтали сон.
REAL	DOUBLE учун синоним.
DECIMAL	Сатрлар шаклида сақланувчи каср сон.
NUMERIC	DECIMAL учун синоним.

Бу типдаги майдонга бирор қиймат киритилганда ундан охирини кўрсатувчи символлар автоматик равишда қирқиб олинади. Агар BINARY байроғи кўрсатилган бўлса, SELECT сўровда сатр регистрни ҳисобга олган холда солиштирилади.

VARCHAR	255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
TINYTEXT	255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
TEXT	65 535 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
MEDIUMTEXT	16 777 215 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
LONGTEXT	4 294 967 295 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.

Сана ва вақт

MySQL сана ва вақтни ҳар хил форматларда сақлаш учун мўлжалланган майдонлар бир неча типларини қўллайди.

DATE	ГГГГ-ММ-ДД форматдаги сана
TIME	СҲСҲ:ММ:СС форматдаги вақт
DATETIME	ГГГГ-ММ-ДД СҲСҲ:ММ:СС форматдаги сана

ва вақт тиместамп форматдаги сана ва вақт. Лекин майдон қийматини олишда у тиместамп форматида эмас,

TIMESTAMP

Маълумотлар базасини яратиш MySQL (CREATE DATABASE)

Маълумотлар базаси **CREATEDATABASE** командаси ёрдамида яратилади.

Командасинтаксиси :

CREATE DATABASE *database_name*

?database_name – Маълумотларбазасига бериладиган ном.

MySQL маълумотларбазасини ўчириш (DROP DATABASE)

Маълумотларбазасини ўчириш учун **DROP**

DATABASE командасидан фойдаланилади.

Синтаксис:

DROP DATABASE *database_name*

Буерда

database_name – ўчириш керак бўлган маълумотлар базасиноми.

USE

Жадваллар биланишlash учун MySQL га қайси база билан ишлаш ҳақида маълумот бериш керак. Бу **USE** командаси ёрдамида амалга оширилади :

USE db_name;

MySQL маълумотларбазасида жадвал яратиш (CREATE TABLE)

Жадвал яратиш **CREATE TABLE** командаси орқали амалга оширилади.

CREATE TABLE *table_name*(*column_name1 type, column_name2 type,...*)

table_name – Янги жадвал номи;

column_name – яратилаётган жадвал устунлари (майдонлари), номлари.

type – устун тип.

SHOW Командалар

Маълумотлар базаси муваффақиятли яратилганини текшириш учун, компютерингизда қандай маълумотлар базаси мавжудлигини кўрсатувчи `SHOW DATABASES` командасини бажариш мумкин:

```
mysql> SHOW DATABASES;
```

Ҳамма жадваллар муваффақиятли яратилганига ишонч хосил қилиш учун, `SHOW TABLES` командасини бажарамиз.

DESCRIBE

`DESCRIBE` командаси яратилган жадваллар структурасини кўрсатади ва қуйидаги синтаксисга эга:

```
DESCRIBE table_name
```

Бу ерда `table_name` – структураси сўралаётган жадвал.

DESCRIBE команда *SQL* стандартига кирмайди ва *MySQL* ички командасидир.

MySQL маълумотлар базасидан жадвални ўчириш (DROP TABLE)

Жадвални **Ўчириш** учун `DROPTABLE` командасидан фойдаланилади

```
DROP TABLE table_name
```

`table_name` – ўчирилаётган жадвал номи.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Жадвални қайта номлаш (ALTER TABLE RENAME)

Жадвалга Янги ном бериш қуйидаги конструкция ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

```
ALTER TABLE table_name_old RENAME table_name_new
```

бу ерда

`table_name_old` - жадвал эски номи;

`table_name_new` – жадвал Янги номи.

Жадваллар хоссаларини ўзгартириш: Устунлар қўшиш (ALTER TABLE ADD)

Янги устун қўшишни қуйидаги конструкция ёрдамида амалга ошириш мумкин:

ALTER TABLE*table_name***ADD***field_name* *parameters*

бу ерда

table_name – янги устун қўшиладиган жадвал номи;

field_name – қўшилаётган устун номи;

parameters – қўйлаётган устунни тасвирловчи параметрлар.

Маълумотлар типини кўрсатиш мажбурий параметрдир.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устун хоссаларини ўзгартириш (ALTER TABLE CHANGE)

Бир ёки бир неча устунлар хоссаларини қуйидаги конструкция ёрдамида ўзгартириш мумкин:

ALTER

TABLE*table_name***CHANGE***field_name_old**field_name_new* *parameters*

table_name – ўзгартирилаётган устун жойлашган жадвал номи;

field_name_old – ўзгартирилаётган устун номи;

field_name_new – ўзгартирилаётган устун янги номи

(агар устун номи ўзгартирилмас *field_name_old* гатенг);

parameters – устун янги параметрлари.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устунларни ўчириш (ALTER TABLE DROP)

Устунни қуйидаги конструкция ёрдамида ўчириш мумкин:

ALTER TABLE*table_name***DROP***field_name*

бу ерда

table_name – устунни ўчирилаётган жадвал номи;

field_name – ўчирилаётган устун номи.

Жадвалга сатрлар қўшиш (INSERT INTO)

Ёзувларни қўшиш учун **INSERT INTO** командасидан фойдаланилади.

INSERT INTO *table_name*(*field_name1*, *field_name2*,...) **values**('content1', 'content2',...)

Букоманда *table_name* жадвалига *field_name*N майдонларига contentN қиймат ўрнатилган ёзув қўшади.

Жадвалдан сатрларни ўчириш (DELETE FROM)

Ёзувни ўчириш учун DELETE FROM командаси ишлатилади

DELETE FROM *table_name* WHERE (*ifoda*)

3.2 Мингбулоқ қишлоқ хўжалик коллежи расмий веб сайти учун техник топшириқ.

Веб сайт яратишдан аввал дастлаб техник топшириқ тузилади. Техник топшириқни асосан буюртмачи тузади, яъни унда сайт қандай бўлиши, унга қандай қўшимча талаблар қўйилиши ҳақида маълумотлар ақс этади.

Ёзёвон педагогика коллежи расмий веб сайти учун техник топшириқ:

Сайт номи(домен): www.mingbulogqish.uz

Сайт номланиши: Мингбулоқ қишлоқ хўжалиги коллежи расмий веб сайти

Сайт яратишдан мақсад: Касб ҳунар коллежини таништириш, коллеж тарихи, ундаги йўналишлар ҳақида, коллеж ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, коллеж раҳбар ходимлари ҳақида, жамиятдаги янгиликлар, абитуриентлар учун маълумотлар, бошқа фойдали сайтлар манзиллари ҳақида маълумотлар бориш.

Сайт тили: ўзбек

Мўлжалланган тингловчилар: 14 ёш дан катта

Сайт бўлимлари:

- a. Асосий
- b. Янгиликлар
- c. Маълумотлар
- d. Раҳбарият
- e. Ўқитувчи
- f. Ўқувчи
- g. Дарс жадваллари
- h. Савол жавоблар
- i. Кутубхона

Сайт кўриниши: Сайтни асосий қисмида охириги киритилган расмлардан 5таси кўриниб туради. Сайтдаги ҳаволалар ва ёзувлар рангларин бир-биридан ажралиб туриши.

Талаблар:

- Сайтнинг ҳар бир саҳифасида коллежноми ва менюлар акс этиши
- Сайт асосан 1024*768 диапазон учун мулжалланиши, лекин бошқа диапазонларда ҳам маълумотлар тулик акс этиши зарур.
- Сайтдаги шрифт 10-14 оралигида

3.3 Мингбулоқ қишлоқ хўжалиги коллежи расмий веб сайтини яратиш


Денверни ўрнатиш.

Олдин айтиб ўтганимиздек PHP LAMP тизимида ишлайди. Лекин бизда Windows Операцион тизимини кўпроқ ишлатганимиз учун [Denwer](#) дастурлар тўпламини мақул кўрамиз.

Denwer нима?. Denwer - PHP, MySQL, Apache, Sendmail дастурларини бир-бирига мослаштирилган дастурлар тўплами. Бу Denwerни асосий стандарт версиясига кирадиган дастурлар. Лекин Denwerни қўшимча дастурларини алоҳида ўрнатиш мумкин.


Демак денверни ўрнатишни бошладик. Бунинг учун дастлаб Denwerни <http://denwer.ru> сайтидан ўзимизга кўчириб оламиз ва ўрнатамиз. Denwerни ўрнатиш осон бўлганлиги учун Denwerни ўрнатиш ҳақида тўхталиб ўтмаймиз.

Denwer ўрнатганимиздан кейин одатда Denwer "Z:" (лекин фойдаланувчи ўзига маъқул кўрган дискни танлаши мумкин, бунинг учун қайси жойга ўрнатиш сўралганда ўрнатиладиган диск ва унинг каталогини ёзиш кифоя) виртуал диск яратади ва denwer шу виртуал диск ичида бўлади. Албатта биз яратмоқчи бўлган сайтлар ҳам шу диск ичида бўлади. Denwer "Рабочий стол"га қуйидагича 3та "ярлык" яратади.



3.1 расм . Denwer дастури ўрнатилгандан кейинги ҳолат

Бу ерда "Start Denwer" Denwerни ишга туширади, "Stop Denwer" Denwerни ишлашни тўхтатади ва "Restart Denwer" эса Denwerни қайта ишга туширади. Биз Denwerни ишлатиб олиш учун "Start Denwer" ни ишга туширамиз. Браузерга <http://localhost> деб ёзсак, бизда мана бундай ойна пайдо бўлиши керак.



3.2 расм Denwe ишлаш ҳолати

Дастурнинг ўрнатилувчи пакетини Denwerнинг расмий www.denwer.org сайтидан кўчириб олашимиз лозим. PHP ишлашимиз учун асосанбизга MySQL базакеракбўлади. Бунингучун Denwerни ичидаги [PHPMyAdmin](#) дан фойдалансак бўлади. Браузерга <http://localhost/Tools/PHPMyAdmin> ниёзамиз. Шуэрдан "БазыДанных" ичигакирсакқуйидагичаойнапайдобўлади.

Шу ердан янги база яратиш олашимиз. Мисол учун "yozyovon" деган ном билан.Энди "Z:/home" ни ичига "mingbuloqqish.uz" деб номланган папка яратамиз ва яна бу "Z:/home/mingbuloqqish.uz" ни ичига "www" деб папка

яратамиз. Энди шу яратган " Z:/home/mingbuloqqish.uz /www" папкамизни ичига ҳамма папка ва файлларкўчириб ўтказилади.

“Mingbuloq” базасининг ичига жадвал яратилади.Жадвал яратиш куйидаги тартибда булади. Бунада жадвал яратишда жадвалнинг номи ва уннинг майдони киритилади.

Яратилган жадвал ва базани боғлаш браузер билан куйидаги кодлар орқали бажарилади .

Бу ерда биз тепада PHPMyAdmin орқали яратган MySQL базамизни номи ва MySQL учун фойдаланувчи малумотларини киритамиз.

- Database name : localhost
- Database username : root
- Database password :

Denwerда MySQL учун: фойдаланувчи "root" ва парол бўш қолади. Кейинчалик MySQL учун паролни ўзингиз хоҳлаганиздек қилиб ўзгартириб олишингиз мумкин.

```
<?PHP
```

```
// базагакириши
```

```
<?
```

```
$connect=mysql_connect("localhost", "root", "") or die('ошибка');
```

```
$database=" mingbuloq";
```


```
mysql_select_db($database);
```

```
?>
```

Ҳозирги кундаги веб сайтларга эътибор берсак, кўпгина сайтлар вақт ўтиши билан ўз мавқеини йўқотиб қўймоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, сайтларнинг статиклигидир, яъни сайтни бошқариб туриш, унга доимий янги маълумотлар киритиб боришнинг қийинлигидир. Айнан шунинг учун ҳам мен www.mingbuloqqish.uz ни яратишда энг аввало сайтнинг динамик

бўлишига эътибор қаратдим. Яъни администратор сайтни тўла бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

Динамик сайт яратишда энг аввало, маълумотлар базасини ташкил этиш талаб қилинади. Сайтдаги аксар маълумотлар маълумотлар базасида жойлашади, бу эса албатта администраторга бу маълумотлар билан ишлаш имкониятини яратади. Маълумотлар базасини ташкил этиш учун denwegни ишга туширамиз ва <http://localhost/tools/phpmyadmin/index.php> манзилни терамиз.



3.3 расм. PhpMyAdmin МББТ ойнаси

Бу ерда яратадиган сайтимиз учун янги маълумотлар базаси ташкил қиламиз. Базаимизни узуовон деб номладик. Маълумотлар базасида 9 та жадвал мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз вазифасига эга:

- 1) bolimlar – сайтдаги янгиликлар бўлимлар
- 2) book – сайтда китоблар, ўқув қўлланмалар киртиш учун
- 3) dars_jadval – дарс жадваллари учун
- 4) foydalanuvchi – фойдаланувчилар, ўқитувчилар, маълумотлари учун
- 5) holat – фойдаланувчилар имкониятларини аниқлаш учун
- 6) kbolim – кутубхонадаги адабиётлар учун бўлимлар



- 7) murabbiy – ўқитувчиларни гуруҳларга бириктириш учун
- 8) ozgarmas – сайт маълумотлари
- 9) resurs – сайтдаги ресурслар учун
- 10) sahifa – саҳифалар учун
- 11) sinf – гуруҳлар учун
- 12) talaba – коллеж талабалари ҳақида маълумотлар
- 13) xabar –сайт администраторига хабар бериш учун
- 14) yangilik – янгиликлар учун

The screenshot shows the phpMyAdmin interface for a database named 'yozyovon'. The main table is a list of tables with columns: Table, Action, Records, Type, Collation, Size, and Overhead. The tables listed are: bolimlar, book, dars_jadval, foydalanuvchi, holat, kbolim, murabbiy, ozgarmas, resurs, sahifa, sinf, talaba, xabar, and yangilik. A summary row at the bottom shows 14 tables with a total of 56 records and a total size of 37.0 KiB.

Table	Action	Records	Type	Collation	Size	Overhead
<input type="checkbox"/> bolimlar		5	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	-
<input type="checkbox"/> book		3	MyISAM	cp1251_general_ci	2.2 KiB	-
<input type="checkbox"/> dars_jadval		2	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	-
<input type="checkbox"/> foydalanuvchi		6	MyISAM	cp1251_general_ci	3.9 KiB	1.1 KiB
<input type="checkbox"/> holat		5	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	-
<input type="checkbox"/> kbolim		4	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	20 B
<input type="checkbox"/> murabbiy		1	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	39 B
<input type="checkbox"/> ozgarmas		1	MyISAM	cp1251_general_ci	1.1 KiB	-
<input type="checkbox"/> resurs		7	MyISAM	cp1251_general_ci	2.3 KiB	-
<input type="checkbox"/> sahifa		2	MyISAM	cp1251_general_ci	2.7 KiB	304 B
<input type="checkbox"/> sinf		2	MyISAM	cp1251_general_ci	2.1 KiB	40 B
<input type="checkbox"/> talaba		8	MyISAM	cp1251_general_ci	2.4 KiB	-
<input type="checkbox"/> xabar		3	MyISAM	cp1251_general_ci	2.3 KiB	80 B
<input type="checkbox"/> yangilik		7	MyISAM	cp1251_general_ci	7.6 KiB	-
14 table(s)	Sum	56	MyISAM	cp1251_general_ci	37.0 KiB	1.5 KiB

3.4 расм. PhpMyAdminда маълумотлар базаси

Маълумотлар базасини ташкил этиш шу билан якунланмайди. Кейинги босқичда маълумотлар базасидаги жадвалларни бир-бири билан боғлаймиз



3.5 расм. Маълумотлар базасида жадваллар боғлаш


Энди бевосита сайтнинг дизайн қисмини яратиш билан шуғулланамиз. Техник топшириқда келтирилганидек менюлар ва сайт номи учун бўлим тайёрлаб оламиз. Сайтнинг умумий кўриниши қуйидагича кўринишга эга бўлди:



3.6 расм. Сайтнинг умумий кўриниши


Менюлар қатори техник топшириққа мос ҳолда яратилди:

Yangilik– Янгиликлар саҳифаси



3.7 расм. Янгиликлар бўлими

Сайтдаги янгиликларни бўлимлар бўйича саралаб кўриш. Фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун Bootstrapнинг dropdown меню функциясидан фойдаланилган. Бу сайтни яна ҳам қулай ва замонавий бўлишини таъминлайди.



3.8 расм.Маълумотлар бўлими

Маълумотлар бўлими – бу бўлимда сайт маълумотлар бериб борилади. Ўз навбатида маълумотлар бўлими қуйидаги қисмлардан иборат:

Рахбарият - Коллеж рахбарият ходимлар хақида маълумот

Ўқитувчи - Коллеж ўқитувчилар хақида маълумот

Ўқувчи - Коллеж талабалари хақида маълумот

Саҳифалар - Саҳифалар

Дарс жадваллари – дарс жадваллари

Савол-жавоблар – фойдаланувчилар томонидан берилган саволларга жавоблар рўйхати

Менюлар сатридан кейин техник топшириқда кўрсатилганидек охириги янгиликларнинг 5 тасида фойдаланилган расмларни кўрсатиб турувчи бўлим яратилди.

Буларни амалга ошириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади.

Дастлаб easySlider плагинини улаймиз.

```
<script src="js/jquery-1.2.6.min.js" type="text/javascript"></script>
<script src="js/jquery.easing.1.3.js" type="text/javascript"></script>
<script src="js/jquery.kwicks-1.5.1.pack.js" type="text/javascript"></script>
<script type="text/javascript">
    $(.ready(function() {
        $(''.slider').kwicks({
            max : 740,
            spacing : 1
        });
    });
</script>
```

PHPқисмда эса

```
<div id="templatemo_slider_wrapper">
    <ul class="slider horizontal" >
        <? carousel_pic("yangilik");?>
    </ul>
```

</div>

`carousel_pic("yangilik")` phpда яратилган функция хисобланиб, у қуйидаги сўров бўйича натижа қайтаради:

```
function carousel_pic($table)
{
    $sql="select * from ".$table ." where rasm!=\'\' order by kir_vaqt limit 5";
    $r=mysql_query($sql) or die("x".mysql_error());$i=1;
    while ($row=mysql_fetch_object($r))
    {
        echo "<li id='slide_".$i++."'><a href='?amal=maqola&korish=".$row->id."'
        ><img src='images/".$row->rasm."' title=".$row->sarlavha."'
        height=440/></a></li>";
    }
}
```

Яъни маълумотлар базасидаги янгилик жадвалининг расм устуни бўш бўлмаган маълумотларни киритилган вақт бўйича саралаб, улардан 5 таси аниқлаб беради. Буни натижасида сайтга янгилик киритилса, бу янгилик сайтда биринчи бўлиб кўзга ташланади.

Ундан кейинги бўлимда коллеж хақида маълумот ва қидирув формаси жойлашган



3.9 расм. Сайтнинг пастки кўриниши

Сайтнинг пастки қисмида фойдали ресурслар, савол йўллаш ва фаол ўқитувчи хизматлари яратилган.

Фойдали ресурслар маълумотлар базасидаги ресурс жадвалидан олинади ва ҳар бир ресурс ўзида сайт манзилини сақлайди. Сайтдан фойдаланилаётган пайтда манзилни чертиш ёрдамида шу сайтга ўтиб кетиш мумкин бўлади.

Яъни маълумотлар базасидаги хабар жадвалига киритилган маълумотлар ёзилади. Бу ерда эътибор қаратадиган жихатлардан бири калит майдонига 0 ни ёзишдир. Калит деб номланган майдон киритилган хабарнинг ўқилганлиги ҳақида маълумот берувчи майдон ҳисобланади. Янги хабар киритилганда дастлаб у ўқилмаган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дастурда автоматик тарзда 0 қиймати ёзилади.

Бундан ташқари сайтда администратор учун махсус панел яратилган бўлиб, бу панел орқали администратор сайтни бошқариши мумкин. Администратор панели сайтда ғоят ахамиятли бўлгани учун бу панелни химоялаш ҳам энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Сайтни яратиш жараёнида бу муаммони сессия ёрдамида ҳал қилинди. Яъни администратор панелига қуйидаги шарт қўйилган.

```
session_start();  
if ($_SESSION["admin"])  
{...}  
else  
{  
header("Location:../index.php");  
?>
```

Кириш саҳифасида киритилган маълумотлар `tek.php` файлига узатилади. У файл эса қуйидагича ишлайди:

```
$sql="select * from foydalanuvchi where login="".$log."" and  
parol="".md5($p)."" and holat_id=1";
```

```
$r=mysql_query($sql);
```

```
if(mysql_num_rows($r)>0)
```

```
{
```

```
$row=mysql_fetch_array($r);
```

```
$_SESSION["admin"]=$row["id"];
```

```
$_SESSION["fio"]=$row["fam"]." ".$row["ism];
```

```
header("Location:admin/index.php");
```

Администор ойнаси дизайнга у даражада эътибор қаратилмаган, лекин ойнани яратиш вақтида уни қулай ва тез ишлашига асосий урғу берилган. Администратор ойнаси ҳам қисмларга бўлинган.

1. Бўлимлар – сайт янгиликларинин бўлимларга ажратиш. Бу бўлим орқали администратор сайт учун янги бўлим қўшиши, бўлимларни таҳрирлаш ва ўчириш амалларини бажариш имкониятига эга бўлади.

2. Янгиликлар – сайт янгиликлари билан ишлаш бўлими. Бу бўлим орқали администратор сайт учун янгиликлар қўшиши, бўлимларни таҳрирлаш ва ўчириш амалларини бажариш имкониятига эга бўлади.

3. Хабарлар – администраторга келган хатлар билан ишлаш бўлими. Бу бўлим орқали администратор ўзига юборилган хатларни ўқиши, уларга жавоб бериши мумкин.

4. Ўқиш бўлими. Бу бўлим ўз навбатида қуйидаги қисмлардан иборат:

а) Ўқитувчи – коллеж ўқитувчиларини киритиш, ўзгартириш ва ўчириш

б) Гурух – коллеж гурухларини киритиш, ўзгартириш ва ўчириш

с) Мураббий– коллеж ўқитувчиларини гурухларга бириктириш бўлими

5. Маълумотлар. Бу бўлим ўз навбатида қуйидаги қисмлардан иборат:

- a) Ресурс – сайтдаги ресурслар билан ишлаш
 - b) Саҳифа – сайтдаги саҳифалар билан ишлаш
 - c) Рахбарият– коллеж рахбарият ходимлар киритиш, ўзгартириш ва ўчириш
 - d) Дарс жадвали – дарс жадваллари билан ишлаш
 - e) Персонал – администратор маълумотларини ўзгартириш
6. Кутубхона кутубхона билан ишлаш
7. Чиқиш администратор панелидан чиқиш

Веб сайтни яратишда бу бўлимларни яратиш учун сайтда махсус `function_admin.php` файли яратилган ва у файлда керакли функциялар хосил қилинган. Масалан, сайтнинг янгиликлар билан ишлаш қисмини яратишни кўрадиган бўлсак, дастурда қуйидаги код келтирган:

```

if ($_GET["t"]=="yan")
    {echo "<div class='span3 fon1'>";
    echo "<div class='accordion' id='accordion2'>";
        echo "<center><a href='?t=yan&amal=qoshish' class='btn
btn-info'><i class='icon-plus icon-white'></i></a></center>";
        yangilik_royxat();
    echo "</div>";
    echo "</div>";
    echo "<div class='span8 fon1'>";
    if ($_GET["amal"]=="qoshish")
        yangilik_qoshish();
    if (($_GET["amal"]=="ozgartir") && ($_GET["id"]))
        yangilik_ozgartir($_GET["id"]);
    if (($_GET["amal"]=="ochirish") && ($_GET["id"]))
        yangilik_ochir($_GET["id"]);
        echo "</div>";}

```

Сайтда ишлаш осонроқ бўлиши учун `amal` ўзгарувчиси яратилган. Бу ўзгарувчи қийматига қараб, қайси амал бажариш кераклиги кўрсатилган. Масалан `yangilik_royxat()` функцияси

```

function yangilik_royxat()
{

```

```

$sql="SELECT * FROM yangilik where
muallif_id=".$_SESSION["admin"];
$r=mysql_query($sql);
if (mysql_num_rows($r)>0)
{
    while ($t=mysql_fetch_object($r))
    {
        ?><div class="accordion-group">
<div class="accordion-heading">
<a class="accordion-toggle" data-toggle="collapse" data-
parent="#accordion2" href="#collapse<?echo $i;?>">
        <? $d=new DateTime($t->kir_vaqt);?>
<? echo $t->sarlavha;?>
            <p><? echo $d->format('j F Y H:i:s');?></p>
        </a>
    </div>
    <div id="collapse<?echo $i;?>" class="accordion-body collapse">
    <div class="accordion-inner">
        <a href='?t=yan&amal=ozgartir&id=<? echo $t->id;?>' class='btn
btn-small btn-info'><i class=' icon-pencil icon-white'></i></a> &nbsp;
        <a href='?t=yan&amal=ochirish&id=<? echo $t->id;?>' class='btn
btn-small btn-danger'><i class=' icon-remove icon-white'></i></a>
        </div>
    </div>
    </div>
    <? $i++; }
    }
    else
    {
    echo "yangiliklar mavjud emas";
    }
    }
}


```

Бу функциянинг асосий вазифаси сайтда келтирилган янгиликлар орасидан фақат администратор киритганларини кўриши, улар устида амаллар бажариши ҳисобланади. Агар администратор янгиликлар киритмаган бўлса, у холда янгиликлар мавжуд эмас деган ёзувни кўрсатади.

**IV. Тадбиқ қилишни
ташқил қилиш ва лойиҳа
самадорлиги**


4.1 Мингбулоқ қишлоқ хўжалиги коллежи расмий веб сайти имкониятлари

Веб сайтда қидирув ташкил қилинган бўлиб, унда сайтдаги мақолалар сарлавхаси ва мақола матни бўйича, ўқитувчилар фамилия хамда исми бўйича маълумотлар қидирилади:



4.1 расм. Қидирув жараёни

Сайтда коллеж ҳақидаги умумий қоидаларга ега бўлиш мумкин:



4.3 расм. Умумий қоидаларни кўчириб олиш

V. Меҳнат муҳофазаси

Микроклимнинг инсон организмига таъсири

Ишлаб чиқариш биносининг микроклими ходимга катта таъсир курсатади. Тавсия этиш мазмундан микроклимнинг айрим улчамларининг четга чиқиши меҳнатга лаёқатни суғлаштиради, ходимнинг хиссиётини ёмонлаштиради ва касбий касалликларга олиб келиши мумкин.

Хаво харорати. Паст харорат организмнинг совуб кетишга ҳамда шамоллаш касалликлари чиқишига сабаб бўлади.

Юқори хароратда – организм кизиб кетади, жуда кўп микдорда терлайди, меҳнатга лаёқат суғлашади. Ишчи эътибори суғлашиб, бахтсиз ходисага олиб келиши мумкин.

Хавонинг Юқори намлиги тери ва ушканинг устки қисмидан намликнинг бугланишини кийинлаштиради ва оғир – оқибатда организмнинг терморегуляцияси бузилишига, инсон ахволининг ёмонлашуви, меҳнатга лаёқатлилигининг суғлашувига олиб келади. Паст намликда (< 20%) – Юқори нафас йулларининг шиллик пардалари кўриб қолиши кўзатилади.

Хаво харакати тезлиги. Инсон $v \leq 0,15$ м/сек.да хаво харакатини сеза бошлайди. Хаво оқимининг харакати унинг хароратига боғлиқ. $36^{\circ} C > t$ да оқим инсонга салқинлатувчи таъсир, $40^{\circ} C < t$ да ноқулай, ёмон, салбий таъсир курсатади.

Микроклим кўрсаткичлари

Микроклим ишчи худудда ишчиларнинг доимий ва ёки вақтинча турган жойидан 2 м баландликда баҳоланади.

Энг қулай шароитлар – терморегуляция механизмлари кучланишисиз организмнинг нормал исиклик ахволини таъминловчи ҳамда узоқ ва мунтазам инсонга таъсир қилувчи микроклим улчамларининг йигиндиси.

Улар меҳнатга қобилиятлилигининг юксак савияси учун шарт – шароит яратди ва иссиқ - қулай қомфорт сезувчанликни таъминлайди.

Инсонга узоқ мунтазам таъсир этишда терморегуляция механизми-кучланиши билан давом этадиган организмнинг иссиқлик ҳолатида дарҳол нормаллашувчи узғаришлар чақирадиган микроиклим улчамлари йигиндиси йул қўйиладиган иклим шароитлари деб қаралади. Бундай ҳолда организмга шикаст етмайди ёки саломатлигининг аҳолига зарар бўлмайди, бироқ дисқомфорт иссиқликни сезиш, инсон узини ёмон ҳис қилиши ва меҳнатга лаёқати пасайиши (суस्ताшиши) мумкинлиги қўзатилади.

Ҳонани танлаш

Ҳона кенг, меёрида ёритилган ва ҳавоси осон алмаштириладиган бўлиши керак. Ёрқин қуёш нурлари мониторга салбий таосир этади. Қоронғи ҳонада фақат иш жойини ёритиш ҳам мақсадга мувофиқ эмасдир. Столни шундай жойлаштиринг-ки, дераза ойнаси қаршингизда бўлмасин. Агар бунинг иложи бўлмаса, у ҳолда қалин парда ёки жалюзи сотиб олинг, шунда деразадан тушаётган ёруғлик сизга ҳалал бермайди. Агар ойна ён томонда бўлса, яна парда ёки жалюзи жонингизга оро киритади. Чангваиссиқлик саломатликка путуретказибгина қолмай, техникага ҳам ёмон таосир ўтказади, шунинг учун ҳонага қондиционер ўрнатган маъқул.

Электр тоқининг одамга таъсири

Электр жиҳозлари ишлатиш ватузилиш вақтида одам электр тоқи кучланиш таъсири остида қолиши мумкин.

Кучланишга кўра электр қурилмалари 1000 В га ва 1000 В дан юкори кучланишли қурилмаларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш индустриясининг янада ривожланиши мамлакатимизнинг энергия билан таосирланганлик даражасининг устига

чамбарчас боъликдир. Ишлаб чиқариш корхоналарида механизациялаш технологик жараёнларни автоматлаштириш кенг жорий қилинмоқда. Электр қурилмаларига хизмат қурсатиш боълик турли ихтисосликларда ишловчи ишчилар сони қупайиб бормоқда. Бинобарин, уларнинг электр токидан шкастланиши эҳтимоли ҳам ортиб бормоқда. Шу боис инсон организмга электр токининг таъсирини урганиш электр токидан шкастланиши сабабларини таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда хафсиз Меҳнат шароитларини яратиш учун жуда муҳимдир.

Мониторлар учун ҳимоя филтрлари ва уларни танлаш.

Шундай қилиб, монитор бутунлай халқаро стандарт MPR-2 (LOW radiation дисплейлари) талабларини қониқтирганда ҳам, уни нурланишда қўшимча ҳимоя керак бўлади. Бу тўғрисида тақлифлар жуда кўпдир. Америкалик мутахасислар, масалан, экранда қўл чўзилгандагина бўлган масофада жойлашишни маслахат берилади, қўшни мониторлар 222,8 масофада жойлашиши лозим. Энг эффектли (фойдали) восита ривожланган дунёда тан олинган экран қисми филтрларидир. Мониторлар учун ҳимоя филтрлари қуйидаги турларда бўлади.

Турли филтрлар- амалда электромагнит нурлардан ва статик электрдан ҳимоя қилмайди, бундан ташқари суръатнинг контрастлигини камайтиради. Лекин улар ташқи ёрқинликда ва экранни биқирлашидан ҳимоя қилади, бу кўз учун катта аҳамиятга эгадир.

Пленкали филтрлар статик электрни тўсмайди паст частотали электромагнит майдонидан деярли ҳимоя қилмайди, лекин суръатни талбанинг контрастлигини ортиради, ультрафиолет нурланишларни бутунлай ютади ва ренген нурларини камйтиради. Яшиндан фақат полеризация пленкали филтрлар ҳимоя қилади. Энг таниқлийси Pologoid фирмасининг пленкали филтрлардир (CP 50): уларни кўплари суръатни контрастлиги ва аниқлийлигини оширади. Лекин ҳақиқатда шуни тақидлаш керакки,

полеризация филътрлари полэфир симолалар остида тайрланади. Бу материал юқори даражада мустахам эмас ва узокга чидамайди ва тез физик коришиш ва тузилишига олиб келади.(Пленка Poloroid CP 50 филътрларни универсал ишлашини полеризация филътрлари билан чалкаштириб бўлмайди. Кейинги филътрлар ҳам статик ва электромагнит майдонлардан ёмон химоя килмайди).

Шиша филътрлар энг кенг таркалгандир. Улар бирнеча модификациясида бўлади.

1. Оддий шиша филътрлар, одатда осиеда ишлаб чиқилган (Defender GL14 B, Optikal Class) ўзини эффективлиги билан тахминган турли филътрларга тенгдир. Уларни кўплари сифат сертификати ва бошқа хужжатлар билан таъминланмайди.

2. Ерга уланиш шиша филътрлар сезиларли даражада эффективдир: улар қисман статик зарядни камайтиради, электромагнит майдон, ультрабинафша нурлари кучини камайтиради, суръат контрастлигини оширади. Бу филътрлар жуда автоматлашгандир.

3. Тўлиқ химояни шишали филътрлар (Ergoster Xenium Vnus) – одатда, юқори сифатли махсулотдир, оптик ойна асосида кўп қатламли махсус ўқламалар билан тайёрланган, ўзида полиризация филътрни ҳам мужассам этган. Бу филътрлар ультрафиолет нурларини, статик майдонларни бартараф этади кўп даражада электромагнит майдон ва рентген нурланишларини камайтиради. Суратда сакрашлар бўлмайди, суратни контрастлиги ошади, лекин бу филътрлар жуда қимматдир.

4.Россия федерациясида ишлаб чиқилган филътрлар шишали филътрлар (Glibol Shield ва Dejedned Ergon филътрлари) улар ҳам тўла химоя синфига мансуб. Ўзини характеристикаси билан хорижий филътр намуналардан колишмайди, 2-3 маротаба арзон, нисбатан янги филътрлар уларни сифати кўпгина техник хулосалар ва сертификатлар билан тасдиқланган, улар

меҳнат принципи паст ИТИ тестдан ўтказилган, швецил нурланишдан ҳимоя ва кўрсаткич воситалари эргономикаси ИТУ дан ҳам синовда ўтказилган режим Давлат Стандарти сертификати ва гигиена сертификатига эга.

Столни танлаш

Стол имкони борича катта бўлиши лозим. Бу асосий шартдир, чунки агар барча мосламаларни ўрнатиш учун жой камлик қилса, эргономика тўғрисида эсламаса ҳам бўлади. Столнинг баландлиги қорин ўртаси билан бир сатҳда бўлиши, оёқлар полда текис туриши, бўкса пол билан параллел бўлиши, гавда эса тик ҳолатда бўлиши керак.

Шунингдек, стол қанча оғир бўлса, шунча яхши. Стол қимирламай, маҳкам туриши керак, чунки вибрация – техника душмандир. 2та столни тўғри бурчак остида бир-бирига ёнма-ён қилиб қўйсангиз ундан ҳам яхши, бунда иккинчи столни ишлаётган кўлингиз сичқончадан бемалол фойдаланиши учун ўнг ёки чап томонга қўйинг. Стол ва девор ўртаси очиқ турсин.

Яхшиси компьютер учун махсус стол олганингиз маъқул.

Стул, курсини танлаш

Мабодо махсус курсингиз бўлса:

Ниманинг устида ва қандай ўтиришингиз оёқлар ва асосийси, умуртқа поғонасининг ҳолати ва қулайлиги учун жуда муҳимдир. Агар сизда махсус курси бор бўлса, айти муддао: ғилдиракчалар, физиологик суянчиқ ва баландликни ўзингизга мослаб олишингиз учун тайёрланган мослама сизга қулайлик яратади.



5.1 расм.Стулни танлаш

Ягона тавсиямиз шу-ки, гавда ҳолатини тез-тез ўзгартириб тулинг, яъни бир оз клавиатурага энгашиб ўтиргач, курси суянчигига суяниб ўтилинг ва хоказо.

Мабодо курси бўлмаса:

Бир хил ҳолатда узоқ вақт ўтириш зарарлидир! Бунда қўл ва оёқлардагина эмас, балки бошқа ички аозоларда ҳам қон тўхташи хавфи бор. Лекин эски курси, ёки оддий стулда ҳам ўтириш мумкин. Унда ўзимиз учун қулай бўлган ҳолатни танлайлик. Шундай қилиб, тўғри ўтилинг. Ҳамма нарса қўл остида бўлишига аҳамият беринг. Анча ишладингиз, “сичқонча” билан овора бўлдингиз, энди гавдангизни орқага ташлаб, ўзингизни бўш қўйинг. Курсининг орқа оёқларида чайқалиб ўтилинг. Бу ҳолатда ҳам барчаси қўл остингизда ва қулай бўлиши жуда муҳимдир. Клавиатурани тиззаларингиз устига қўйиб олишингиз мумкин. Ҳеч нарса сизни ишдан чалғитмаслиги, ҳеч нарса соғлингизга путур этказмаслиги керак.

Тўғри ўтириш

Белингизда аҳён-аҳёнда бўлса-да оғриқ сезсангиз, тўғри ўтиришни ўрганишингиз зарур, юмшоқ мебелни танламанг. Қаттиқ стул ёки курсида ўтилинг, шунда гавдангизнинг оғирлиги умуртқа поғонасига тушмайди.

Мебелга бўлган талаблар:

- Оёқлар полда туриши учун стулнинг баландлиги тиззаларнинг узунлигига мос келиши лозим.
- Бўйи пастлар оёқлари тагига курсча қўйиб олганлари маъқул.
- Оёқларингиз букилиб қолмаслиги учун стол тагида етарлича жой бўлиши керак.
- Оёқ учлари ва товонлар полда текис турсин.

Кўлларнинг ҳолати.

Кўллар бўшлиқда бўлмай, доимо бирон нарсага таяниб туриши керак. Сичқонча билан ишлаётганда, кўлнинг тирсак ва билак қисмлари доимо столга тегиб турсин. Шунда елка камари мушакларига унча оғирлик тушмайди, бу эса бўйин остеохондрози касаллигининг олдини олади.

Белингиз оғримаслиги учун қуйидаги қоидаларга амал қилинг:

- Узоқ ўтириб ишлашга мажбур бўлсангиз, ҳар 15-20 дақиқада танангизга бир оз дам беринг, оёқларингиз ҳолатини ўзгартиринг.
- Доимо стул ёки курси суянчиғига суяниб ўтиринг.
- Тўғри ўтиринг, бошингизни пастга кўп эгманг, тана мушаклари зўриқмаслиги учун гавдангизни тўғри тутинг.
- Қоғоздаги матн билан узоқ вақт ишлашингизга тўғри келса, стол устига қоғоз учун мослама (пюпитр) қўйинг ёки уни экранга бириктириб қўйинг.
- Бунда матн етарлича баландликда бўлишига ва гавдангиз билан олдинга энгашиб ўтирмаслигингиз учун қулай бўлишига аҳамият беринг.
- Зўриқмай, бемалол ўтириш жуда муҳимдир. Бунинг учун белингиз ва суянчиқ орасига юпкагина валик қўйиб олинг.
- Бошингизни тўғри ушланг.

- Бир хил ҳолатда узок ўтирманг. Вақти-вақти билан ҳолатингизни ўзгартириб туринг, бир оз дам олиш учун ўрнингиздан туринг, 1-1.5 соат давомида ўтириб ишлаганингиздан сўнг, ўрнингиздан туриб, 5 дақиқа бадан тарбия билан шуғулланинг, ҳеч бўлмаса курси суянчиғига ўзингизни ташлаб, мушакларингизни бўш қўйинг, бир неча марта чуқур нафас олинг.

I Электр токидан ерга улаб ҳимояланиш.

Ерга улашда табиий ва сунъий усуллари мавжуд. Табиий уловчилар вазифасини ер тагига ўрнатилган водопровод, артезиан ва бошқа кудуқларининг металл қувурларини бино ва иншоотларнинг ер билан бирлашган темир бетон ҳамда металл қонструкциялари, ер тагидан ўтган кабелларнинг қўрғошин қобиклари ўташи мумкин. Табиий ерга уловчиларнинг қаршилиги кам бўлганлиги учун қўллаш фойдали бўлсада, уларнинг жиддий камчиликлари ҳам бор. Созлаш ишлари олиб борилаётганда улар ичида узилиш бўлишлиги ва кўпчиликнинг бу қувурларга бемалол тега олиши, эҳтиётсизлик натижасида шикастланиши эҳтимоли борлигидир.

Кучланиши 1000 V гача бўлган ускуналарда ҳимояловчи ерга уловчининг қаршилиги йилнинг хоҳлаган пайтида 4 Ом дан ортмаслиги керак. Очик жойларда, хавфсизлиги юқори ҳамда ўта хавфли хоналарда ўрнатилган электр ускуналари кучланишининг қиймати 42 V дан, хавфлилиги кам бўлган хоналарда эса 380 V ва ундан юқори бўлган барча хоналарда ерга уланиши шарт. Портлаш хавфи бўлган хоналарда кучланиш қийматидан қатъий назар, барча ҳолларда электр ускуналари ерга уланади.

Ерга улаш тизимлари миқдорлари ҳисоби – n

Ерга улаш қурилмаларининг қаршилиги – $R_{рез}$

Ерга улаш қурилмаларига ишлатиладиган трубалар узунлиги – l , диаметри – d

Вертикал ва кетма-кет уланиш ҳамда улар орасидаги масофа – a

Ерга уланиш қурилмаларида метал орқали уланиш – l_n , кенглиги – b

Металлнинг ерга кирган қисми – h


Ерга уланиш қурилмаларининг сони 222, ва уларнинг қаршилигини ҳисобга олган ҳолда $R_3=10 \text{ OM}$

$$n = \frac{R_{mp}}{R_3}$$

R_{mp} – битта ерга уланган қурилманинг кучланиш қаршилиги.

$$R_{mp} = 0,366 \cdot \frac{\beta}{l} \left(\ln \frac{2l}{d} + \frac{1}{2} \ln \frac{4h+l}{4h-l} \right)$$

h - битта ерга уланиш қурилмасининг ерга қоқилган қисми.



Ерга уланиш қурилмасининг қаршилиқ натижаси

$$R_{pez} = \frac{R_0 \cdot R_n}{R_0 - R_n}$$

R_0 - вертикал улама қурилманинг қаршилиги

$$R_0 = \frac{R_{mp}}{h \cdot \eta_1}$$

Чизиқнинг узунлиги

$$l_n = 1,05 \cdot a \cdot n$$

Уланган чизиқдан ўтадиган токнинг қаршилиги.

$$R_n = 0,366 \cdot \frac{\rho}{l_n} \cdot \ln \frac{2(l_n)^2}{b \cdot h} + \frac{1}{\eta_2}$$

Масалани кўйилиши

Аэрацион тешиklar (Фрамуг) ўқи 1 ва 2 пол сатҳидан H_1 ва H_2 баландликда жойлашган. Ҳона ташқарисидаги ҳаво температураси $t_{\text{ташк}} = 22$ °C хонадан чиқиб кетаётган ҳавоник эса $t_{\text{чик}} = 30$ °C, иш зонасида $t_{\text{иш.з}} = 24$ °C. Ташқаридаги ҳавонинг ҳажмий оғирлиги $V_{\text{таш}} = 1.173$ кг/м³ чиқиб кетаётган ҳавоник эса чиқиб кетаётган $V_{\text{чик}} = 1,141$ кг/м³ Аэрация ёрдамида ортиқча иссиқликни чиқариб ташланади $Q_{\text{орт.иссиқ}}$

Очилаётган фрамугларнинг талаб қилинган юзаси аниқлансин, агар улар юзаларининг нисбати

$$f_1 : f_2 = 1,25$$

Ҳисоблаш услуби:

1. Зарурий табиий ҳаво алмашинуви кўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$L_{\text{кк}} = L_{\text{к.чик}} = \frac{Q_{\text{орт.иссиқ}}}{0,24 \cdot (t_{\text{чик}} - t_{\text{таш}}) \cdot V_{\text{таш}}}$$

$L_{\text{кк}}$ ва $L_{\text{к.чик}}$ - ҳаво оқимининг тегишли равишда ҳонага кириб келиши ва чиқиб кетиш катталиклари.

0,24 - Ҳаво иссиқлик сифими ккал/кг °C.

2. Ҳаво чиқариш фрамуглар ўқлари майдон тепалигида жойлашган баландлиги ортиқча босимда кўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$h_2 = \frac{H}{(f_2 / f_1)^2 (V_{\text{чик}} / V_{\text{ташк}}) + 1}$$

H - кирувчи ва чиқаруви ўқлар орасидаги масофа

$$H = H_2 - H_1, \text{ М}$$

3. Ҳаво сғими кириш ва чиқиш фрамуг ўқлари орасидаги масофа

$$h_1 = H - h_2, \text{ М}$$

4. Ҳавонинг цехдаги ўртача температураси

